

**Тадбиркорлик субъектлариға молиявий ёрдам
күрсатиш тартиби тұғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Савдога күмаклашиш жамғармаси (кейинги үринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан “Савдони ривожлантириш компаниясы” акциядорлик жамияти (кейинги үринларда – Компания) томонидан қишлоқ хұжалиги, саноат ва савдо соҳасыда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлариға (кейинги үринларда – тадбиркорлик субъектлари) молиявий ёрдам күрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бизнес-тренинг – маълум бир йўналишда тадбиркорлар, уларнинг ходимлари (ишчилари) билим ва қўникмаларини ҳамда фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўқитиш шакли, шу жумладан, онлайн ўқитиш шакли;

бизнес-форум – бизнес вакилларининг маълум бир йўналиш, соҳа ва тармоқдаги бизнес масалаларини муҳокама қилишга бағишлиланган йигилиши, шу жумладан, онлайн йигилиши;

кўргазма-ярмарка тадбирлари – хорижда ва Ўзбекистон Республикасида ташкил этиладиган халқаро, минтақалара, ҳудудлараро кўргазма-ярмарка, конференция, фестиваль ва савдони ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирлар, шу жумладан, онлайн тадбирлар;

бизнес-семинарлар – тадбиркорлик фаолиятига оид тажриба, билим ва маълумотлар алмашиш мақсадида ўтказиладиган интерфаол ўқув-амалий тадбир шакли, шу жумладан, онлайн интерфаол ўқув-амалий тадбир шакли;

тадбиркорлик субъектлари – Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият юритаётган қишлоқ хұжалиги, саноат ва савдо корхоналари, якка тартибдаги тадбиркорлар;

реклама кампанияси (тақдимот) – маълум бир даврга ва бозорга мўлжалланган, савдо ҳажмини ошириш бўйича маркетинг мақсадларига эришишга, хусусан, маҳсулотлар (хизматлар) билан таништириш, уларни таклиф этиш ва харидорларни жалб қилишга қаратилган кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш;

савдо миссиялари – савдо қилувчи ташкилотлар билан салоҳиятли хорижий харидорлар ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, шунингдек, маҳсулот тақдимотларини ўтказиб, улар билан келгусида тузиладиган

шартномаларнинг шартларини мухокама қилиш ва шартномалар тузиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар;

мувофиқлик сертификати – мувофиқликни баҳолаш объектларининг техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжат;

суғурта хизмати – тадбиркорлик субъектларининг суғурта шартномалари асосида суғурта ҳимояси тақдим этилиши;

суғурталовчи – тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

суғурта қилдирувчи – суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузувчи, суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофотини тўловчи ҳамда суғурталовчилар билан муайян суғурта муносабатларига киравчи ҳар қандай ташкилий-хукуқий шаклдаги юридик шахс ёки тўлиқ фуқаролик лаёқатига эга бўлган жисмоний шахс;

суғурта пули – суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи мажбуриятлари чегарасини англатувчи пул маблағлари миқдори;

суғурта мукофотлари – ҳисоблаш тартиби ва миқдори суғурта шартномаси билан белгиланадиган, суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган пул маблағи.

Мазкур Низом доирасидаги муносабатлар учун суғурта қилдирувчи – тадбиркорлик субъекти ҳисобланади;

суғурта шартномаси – Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни (хизматларни, ишларни) савдо қилиш билан боғлиқ фаолиятни сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича ёзма келишув;

якка тартибдаги тадбиркор – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахслар ҳамда хунармандлар.

3. Компания томонидан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатишнинг асосий йўналишлари:

стандартлаштириш ва сертификатлашнинг халқаро тизимларини жорий этиш;

суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофотини харажатларини қоплаб бериш;

хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш;

молиявий ҳисботларни халқаро стандартлар асосида юритишни жорий қилиш харажатларини қоплаб бериш;

савдо уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларни қоплаб бериш;

кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш;

хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган ўқув семинар, бизнес-семинар, тренинг, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш;

маҳаллий маҳсулотлар (хизматлар) ва брендлар (товар белгилари) бўйича рақамли рекламани хорижий интернет жаҳон тармоғи ахборот ресурсларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, савдо майдончалари ва мобил иловаларда жойлаштириш;

маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш;

қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарига хориждан малакали дизайнер, технолог, маркетолог, сифат назоратчилари ва агрономларни жалб қилиш харажатларини қоплаб бериш;

тадбиркорлик субъектларига нуфузли халқаро брендларни (товар белгиларини) жалб қилишга, шунингдек, уларнинг нуфузли халқаро брендлар эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш харажатларини қоплаб бериш;

мутахассисларни ўқитиш харажатларини қоплаш бериш.

Бунда тадбиркорлик субъектларининг вакили қатнашиши талаб этиладиган йўналишларда кўрсатиладиган молиявий ёрдам тадбиркорлик субъектларининг бир нафар вакили учун қоплаб берилади.

4. Тадбиркорлик субъектларига ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ молиявий ёрдам кўрсатилади.

2-боб. Молиявий ёрдам олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

5. Молиявий ёрдам олиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан Компанияга қуидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш йўналишларида:

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, тўлов топшириқномаси ва (ёки) SWIFT нусхаси (хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган));

халқаро сертификат нусхаси;

2) суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофоти харажатларини қоплаб бериш йўналишида:

экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

божхона юқ декларацияси, суғурта мукофоти харажатини тасдиқловчи ҳужжатлар – суғурта шартномаси ва суғурта полисининг нусхаси, тўлов амалга

оширилганлиги тўғрисида банк маълумотномаси, хизмат кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳисобварак-фактура нусхаси;

3) хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш йўналишида:

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома ва (ёки) инвойс, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхалари);

рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома;

лицензия шартномаси (брэнд эгаси томонидан бошқа юридик шахсларга бренддан фойдаланиш ҳуқуки берилган ҳолатларда)

4) молиявий ҳисботларни халқаро стандартлар асосида юритишни жорий қилиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида:

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси;

трансформация ҳисботлари нусхалари;

5) савдо уйларини очиш, сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларни қоплаб бериш йўналишларида:

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан юритиладиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш реестрига киритилганлиги ҳақидаги маълумот (тадбиркорлик субъектининг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган корхонаси томонидан Хорижий давлатларда савдо омборлари ижарага олинган ҳолатлар бундан мустасно);

vakolatli organ tomonidan tasdiqlangan tadbirkorlik sубъектининг чет элда юридik шахs ташкил этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (тадбиркорлик субъектининг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган корхонаси томонидан Хорижий давлатларда савдо омборлари ижарага олинган ҳолатлар бундан мустасно);

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома ва (ёки) инвойс, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхалари);

6) кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш йўналишида:

маҳсулотларнинг тақдимот материаллари, тарқатма материаллар (тақдимот ва (ёки) ишлаб чиқарувчи корхонанинг маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга каталог (маҳсулотнинг қадоқлангандаги кўриниши, маҳсулот

нархи), ташриф қоғози, кўргазма доирасида музокаралар ўтказиладиган дастлабки ҳамкорлар рўйхати);

тадбиркорлик субъектлари алоҳида ўзи иштирок этган ҳолатларда:

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхалари);

ўтказилган кўргазма стенди бўйича фотосурат ва видеолавҳалар;

7) хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган ўқув семинар, бизнес-семинар, тренинг, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш йўналишида:

маҳсулотларнинг тақдимот материаллари, тарқатма материаллар (тақдимот, видеоролик, брошюра, буклет);

тадбиркорлик субъекталари алоҳида ўзи шахсан қатнашган ҳолатларда:

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома ва (ёки) инвойс, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхалари;

ўтказилган тадбир бўйича фотосурат ва видеолавҳалар;

8) маҳаллий маҳсулотлар (хизматлар) ва брендлар (товар белгилари) бўйича рақамли рекламани хорижий интернет жаҳон тармоғи ахборот ресурсларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, савдо майдончалари ва мобил иловаларда жойлаштириш йўналишида:

маҳсулотларнинг тақдимот материаллари, тарқатма материаллар (тақдимот, видеоролик, брошюра, буклетлар тадбиркорлик субъектларининг танловига кўра);

тадбиркорлик субъектлари томонидан тўловлар тўланган ҳолатларда:

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома ва (ёки) офферта, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхалари);

9) маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш йўналишида:

харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома ва (ёки) инвойс, ҳисоб-фактура ва (ёки) бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхалари);

10) қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарига хориждан малакали дизайнер, технолог, маркетолог, сифат назоратчилари ва агрономларни жалб қилиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида:

харажатларни тасдиқловчи хужжатлар (шартнома, бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўловларни тасдиқловчи хужжатлар нусхалари);

11) тадбиркорлик субъектларига нуфузли халқаро брендларни (товар белгиларини) жалб қилишга, шунингдек, уларнинг нуфузли халқаро брендлар эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида:

харажатларни тасдиқловчи хужжатлар (шартнома ва (ёки) инвойс, бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўловларни тасдиқловчи хужжатлар нусхалари);

12) мутахассисларни ўқитиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида:

харажатларни тасдиқловчи хужжатлар (шартнома ва (ёки) инвойс, бажарилган ишлар бўйича далолатномаси, хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўловларни тасдиқловчи хужжатлар нусхалари).

Қайта ташкил этиш, тўловга қобилиятсизлик ва (ёки) тугатиш ҳолатидаги тадбиркорлик субъектларининг аризалари қўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

6. Тадбиркорлик субъектларидан ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилмаган хужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли хужжатлар Компаниянинг электрон платформаси орқали электрон шаклда тақдим этилади.

8. Аризада тадбиркорлик субъектларининг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида электрон платформа орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги хисобланади.

9. Тегишли хужжатлар Компанияга тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон платформа орқали электрон шаклда тақдим этилгандан кейин ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Компания беш иш куни ичida тадбиркорлик субъектига этишмаган хужжатлар билан бирга қайта мурожаат қилиши ҳақида электрон шаклда хабар юборади.

10. Тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгарлик тадбиркорлик субъектларига юкланади.

3-боб. Тадбиркорлик субъектларининг аризаларини қўриб чиқиш тартиби

11. Ариза ва унга илова қилинадиган хужжатлар Компания томонидан ариза қабул қилинган кундан бошлаб етти иш куни давомида қўриб чиқилади.

12. Компания тақдим этилган хужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, молиявий ёрдам кўрсатиш

йўналишлари, шартлари ва мақсадларига ҳамда молиявий ёрдам миқдорининг ушбу Низомнинг 20-бандида белгиланган юқори чегараларга, шунингдек, ташки савдо операциялари бўйича мавжуд муддати ўтган дебитор қарздорликнинг мазкур Низомда белгиланган миқдорларга мувофиқлиги нуқтаи назардан кўриб чиқади.

Компания томонидан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш учун:

1) барча йўналишда:

тадбиркорлик субъектларининг ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги миқдори (дебитор қарздорликни ундириш бўйича суд қарори мавжуд бўлган дебитор қарздорлик миқдори бундан мустасно) сўнгги 12 ойда амалга оширилган ташки савдо ҳажмининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак;

ариза топширилган санада барқарорлик рейтингида “AAA”, “AA”, “A”, ва “BBB”, “BB”, “B” рейтинга эга бўлган корхона бўлиши (рўйхатдан ўтганига олти ой бўлмаган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон Фармонига мувофиқ 4 ва 5-тоифадаги туманларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно);

ишчилар сони 5 тадан кам бўлмаган тадбиркорлик субъектлари;

охирги 12 ой ичида 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда маҳсулотлар реализация (шундан камида 30 минг АҚШ доллари хорижий валютада) килинган бўлиши (хунармандлар бундан мустасно);

2) савдо уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларни қоплаб бериш йўналишида:

тадбиркорлик субъектлари ва (ёки) уларнинг чет элдаги юридик шахслари (savdo уйлари) томонидан офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олинган бўлиши керак;

savdo уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ чет элдаги харажатлари бўйича тўловлар тадбиркорлик субъектлари ва (ёки) уларнинг чет элдаги юридик шахслари томонидан амалга оширилган бўлиши керак;

3) суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофотини харажатларини қоплаб бериш учун:

суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти суғурталовчига тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланган бўлиши;

сугурталовчи томонидан тадбиркорлик субъектига сугурта шартномаси бўйича тўловлар амалга оширилгандан кейин сугурта полиси тақдим қилиниши ва сугурта полиси тақдим қилинган санада хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар юборилган, расмийлаштирилган бўлиши;

тадбиркорлик хавфини сугурта қилиш шартномаси бўйича фақат сугурта қилдирувчининг ўз тадбиркорлик хавфи фойдасига сугурталаниши;

сугурта шартномасининг тури ушбу Низомда келтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва сугурта фаолияти тўғрисидаги конунчилик ҳужжатлари билан белгиланган шартларга мос келиши шарт.

13. Молиявий ёрдам ажратиш тўғрисидаги қарор Компания томонидан қабул қилинади.

Компания бир иш куни давомида электрон платформа орқали қабул қилинган қарор тўғрисида тадбиркорлик субъектларига хабарнома юборади.

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги ижобий қарор қабул қилинган аризалар бўйича Компания томонидан қарор қабул қилинган кунда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Бунда тадбиркорлик субъекти томонидан ўттиз иш куни мобайнида Компаниянинг банк ҳисобварағига тўлов тўланмаган тақдирда молиявий ёрдам ажратиш бўйича қабул қилинган қарор ижросиз қолдирилади.

14. Компания молиявий ёрдам кўрсатиш белгиланган аризалар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан (тендер, конкурс ва бошқалар) конунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда шартномалар тузади.

15. Молиявий ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, тўловлар Компания томонидан белгиланган тартибда тузилган шартномаларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг банк ҳисобварағига, амалга оширилган харажатлар бўйича эса қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичida тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

16. Компания томонидан ўтказиладиган мониторинг натижаларига кўра Компания билан тадбиркорлик субъектлари ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартнома (уч томонлама) ижроси шартномада кўрсатилган муддатларда таъминланмаганлиги аниқланган тақдирда, тегишли маблағлар Компания томонидан юборилган ёзма билдиришнома қабул қилинган санадан бошлаб ўн иш куни давомида шартнома шартларини бажармаган тараф томонидан қайтарилиши керак.

Тадбиркорлик субъектлари, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ва Компания ўртасида тузилган шартнома шартларининг бузилиши билан боғлиқ низолар суд тартибида ҳал этилади.

17. Компания томонидан тузиладиган шартномаларга асосан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи тегишли ташкилотларга тўловлар тўғридан-

тўғри амалга оширилган ҳолатларда (кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш ҳамда хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган ўкув семинар, бизнес-семинар, тренинг, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш йўналишлари бундан мустасно) ушбу йўналишда Компания томонидан тўлик молиявий ёрдам кўрсатилган кундан бошлаб 365 кун муддатда тўлаб берилган харажатларнинг камида 5 баравари миқдорида маҳсулот реализация қилинмаган (шундан камида 4 баравари хорижий валютада) тақдирда, тўлаб берилган харажатлар Компания томонидан юборилган ёзма билдиришнома қабул қилинган санадан бошлаб ўн беш иш куни давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан Компанияга тўлик қайтарилади.

Бунда тадбиркорлик субъекти бир нечта молиявий ёрдам турларидан фойдаланган ҳолларда жами кўрсатилган молиявий ёрдам миқдорига нисбатан маҳсулот реализация ҳажми инобатга олинади.

18. Аризалар иш вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари келиб тушганда навбатдаги иш куни аризаларнинг ваколатли органга келиб тушган ва қабул қилинган кун ҳисобланади.

4-боб. Мақсадли молиявий ёрдам йўналишлари ва предмети

19. Молиявий ёрдам қўйидагилар билан боғлиқ харажатларни тўлаб бериш учун кўрсатилади:

1) стандартлаштириш ва сертификатлашнинг халқаро тизимларини жорий этиш йўналишларида:

- стандартларни жорий қилиш;
- мувофиқлик сертификатларини олиш;
- сертификатларни олиш талабларига мослаштириш;

маҳсулот намуналарини хориждаги ва (ёки) Ўзбекистон Республикасидаги лабораторияларда текшириш, синовдан ўтказиш, хулосалар олиш, хориждаги лабораторияларга маҳсулот намуналарини етказиб бериш, сақлаш ва (ёки) йўқ қилиш, шу жумладан, хорижий харидорларнинг талабларини бажариш ва экспорт шартномалари ижросини таъминлаш;

2) суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофоти харажатларини қоплаб бериш йўналишида тадбиркорлик субъектлари қўйидаги суғурта шартномаларига асосан суғурта хизматларидан фойдаланганда компенсация қилиб берилади:

экспорт шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигини суғурта қилиш шартномаси;

ташқи савдо шартномалари бўйича қисқа ёки узоқ муддатли дебитор қарздорлигини суғурта қилиш шартномаси;

айланма маблағларини тўлдириш кредити ўз вақтида қайтарилмаслигидан суғурта қилиш шартномаси;

логистика таваккалчиликларини сұғурта қилиш шартномаси;

3) хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш йўналишида:

рўйхатдан ўтказиш учун тўловлар;

рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлган маҳсулотлар ва брендлар (товар белгилари) хужжатлари ва намуналарини тегишли хорижий ваколатли органларга етказиб бериш;

4) молиявий ҳисботларни халқаро стандартлар асосида юритишни жорий қилиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида:

миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисботларни халқаро стандартларга трансформация қилиш;

халқаро стандартларнинг молиявий ҳисботлари бўйича ходимларни ўқитиш ва ходимларнинг тегишли халқаро сертификатлар олиши;

халқаро ҳисботларни аудитдан ўтказиш;

5) савдо уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларни қоплаб бериш йўналишларида:

рўйхатга олиш йигимлари;

офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш;

6) кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш йўналишида:

а) Компания томонидан Ўзбекистоннинг ягона миллий стенди ташкил қилинган ҳолларда (тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўзи ижарага олган майдонда қатнашган ҳолатлардан ташқари):

рўйхатга олиш йигимлари;

кўргазма майдонларини (шу жумладан, стендерни жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) ҳамда кўргазма стенди ва жиҳозларини ижарага олиш;

стендерни ишлаб чиқариш, монтаж ва демонтаж қилиш, қўшимча кўргазма ускуналари ва мебелларни ижарага олиш, фриз ёзуви хизмати, стенд дизайнини яратиш, аутсорсинг хизматлари;

электр таъминоти манбаларига уланиш, шу жумладан, электр энергиясидан фойдаланиш;

маҳсулотлар намуналари ва бошқа кўргазма экспонатларини хорижий давлатдаги кўргазма-ярмарка тадбирлари майдонига етказиб бериш ва Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш;

қўшимча кўргазма хизматларидан фойдаланиш (стенди тозалаш, қўриқлаш, алоқа воситаларини улаш ва кўргазма экспонатларини йўқ қилиш);

салоҳиятли импорт қилувчи харидорларни топиш учун ихтисослашган хорижий компаниялар хизматларидан фойдаланиш;

тақдимот материаллари, тарқатма материаллар (брошюралар, ташриф қоғозлари, буклетлар) тайёрлаш;

б) тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўзи иштирок этган ҳолатларда:

рўйхатга олиш йигимлари;

электр таъминоти манбаларига уланиш, шу жумладан, электр энергиясидан фойдаланиш;

кўргазма майдонларини ва (ёки) стандарт жиҳозланган кўргазма майдонларини ижарага олиш;

7) хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган ўкув семинар, бизнес-семинар, тренинг, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш йўналишида:

а) Компания, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо саноат палатаси томонидан ташкил қилинган ҳолларда:

бизнес-семинар, тренинг ва форумларда иштирок этиш (катнашиш тўлови, транспорт харажати – эконом класс учун, меҳмонхона харажати;

savdo миссияларини ташкил этиш (транспорт ва меҳмонхона харажатлари, хорижий компаниялар, мутахассисларнинг хизмат ҳаки, бинони ижарага олиш, техник таъминот, ахборот-тақдимот материалларини тайёрлаш, эсадалик совғалари олиш, кофе-брейклар ташкил этиш, вакиллик харажатлари, делегацияга чет элда ҳамроҳлик қилиш бўйича хизматлар ҳаки, учрашув, трансфер, таржимон, шу билан бирга, ушбу хизматларни кўрсатишда аутсорсинг хизматидан фойдаланиш);

б) тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўзи шахсан катнашган ҳолатларда:

катнашиш тўлови;

транспорт харажати – эконом класс учун;

меҳмонхона харажати;

8) маҳаллий маҳсулотлар, хизматлар ва брендлар (товар белгилари) бўйича рақамили рекламани хорижий Интернет жаҳон тармоғи ахборот ресурсларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, савдо майдончалари ва мобил иловаларда жойлаштириш йўналишида:

қидирув маркетингини ўтказиши (Search Engine Marketing – SEM);

ракамили рекламани тайёрлаш ҳамда хорижий интернет жаҳон тармоғи ахборот ресурсларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, мобил иловалар, мессенжерлар, онлайн ўйинларда жойлаштириш;

чет эл газеталари, бизнес журналлар ва каталогларида нашр қилиш;

маҳсулот ва хизматларни халқаро электрон савдо майдончаларига жойлаштириш ([Alibaba.com](#), [Wildberries.uz](#), [Ozon.ru](#) ва шу каби);

9) маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш йўналишида:

маҳсулот намуналарини почта, курьерлик ва транспорт компаниялари хизматларидан фойдаланган ҳолда етказиб бериш ва Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш;

маҳсулот намуналарини хорижий давлатда импортга расмийлаштириш (хорижий давлат қонунчилигига мувофиқ намуна сифатида юборилган маҳсулотларни импорт қилишда тўловлар ундирилиши белгиланган ҳолларда);

10) қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарига хориждан малакали дизайннер, технолог, маркетолог, сифат назоратчилари ва агрономларни жалб қилиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида – меҳнатга ҳақ тўлаш;

11) тадбиркорлик субъектларига нуфузли халқаро брендларни (товар белгиларини) жалб қилишга, шунингдек, уларнинг нуфузли халқаро брендлар эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида:

сорсинг компанияси хизмати харажатлари;

транспорт харажати – эконом класс учун;

Ўзбекистон Республикаси худудида меҳмонхона харажати;

таржимонлик хизмати;

12) мутахассисларни ўқитиш харажатларини қоплаш бериш йўналишида:

ўқув тренингларда қатнашиш тўлови;

транспорт харажати – эконом класс учун;

меҳмонхона харажати.

5-боб. Молиявий ёрдам миқдори ва шартлари

20. Компания томонидан бериладиган молиявий ёрдам ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган йўналишларга мувофиқ қуидаги миқдорларда тақдим этилади:

1) стандартлаштириш ва сертификатлашнинг халқаро тизимларини жорий этиш йўналишида, бир календарь йилида 5 та халқаро сертификат (шундан International Organization for Standardization – ISO сертификатлари учун 1 та) учун тадбиркорлик субъектининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилиб

мувофиқлик сертификатлари олинган ҳолатларда битта халқаро сертификатни олиш бўйича – 100 фоиз миқдорда, бироқ 15 000 АҚШ долларидан (“GOTS”, “OEKO-TEX”, “BCI”, “BSCI”, “Organic Cotton”, “SEDEX” сертификатни олиш бўйича 20 000 АҚШ доллардан) кўп бўлмаган миқдорда;

2) суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофотини харажатларини қоплаб бериш йўналишида – суғурта мукофотининг 100 фоизи, бироқ суғурта пулининг 0,5 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми;

3) хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш йўналишида, тадбиркорлик субъектининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда – 100 фоиз миқдорда, бироқ бир экспорт қилувчи ташкилот учун бир календарь йилида 10 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

4) молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритишини жорий қилиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида, тадбиркорлик субъектининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда – 100 фоиз миқдорда, бироқ 25 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

5) савдо уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларни қоплаб бериш йўналишида, тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олишда – ҳақиқатдан амалга оширилган харажатларнинг 100 фоизи миқдорида, лекин 4-иловага мувофиқ савдо уйлари учун офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш харажатлари бўйича тўлаб бериладиган ҳар бир квадрат метр учун бир ойлик қатъий миқдорлардан кўп бўлмаган миқдорда. Бунда тадбиркорлик субъекти учун битта хорижий давлатда жами 2000 квадрат метргача бўлган майдон ҳисобига, бир вақтнинг ўзида битта тадбиркорлик субъекти учун битта хорижий давлатда 2 тадан кўп бўлмаган миқдорда омбор биноларини ижарага олиш харажатлари қоплаб берилади;

6) кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш йўналишида:

а) Компания томонидан тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистоннинг ягона миллий стенди ташкил қилинган ҳолатларда (тадбиркорлик субъектлари алоҳида ўзи иштирок этган ҳолатлардан ташқари) – 100 фоиз миқдорда Компаниянинг ҳақиқий харажатлари бўйича чекланмаган миқдорда. Бунда Ўзбекистоннинг ягона миллий стенди ташкил қилинадиган кўргазмалар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда камида 5 та тадбиркорлик субъекти иштироқи таъминланадиган кўргазмаларда иштирок этиш учун молиявий ёрдам кўрсатилади;

б) тадбиркорлик субъектлари алоҳида ўзи ижарага олган майдонда қатнашган ҳолатларда – 100 фоиз миқдорда, лекин 5 – иловага мувофиқ тармок

корхоналари учун битта кўргазма бўйича қатъий белгиланган кўргазма майдони ҳисобидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлари қоплаб берилади;

7) хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган ўқув семинар, бизнес-семинар, тренинг, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш йўналишида:

а) Компания, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо саноат палатаси томонидан ташкил қилинган ҳолатларда экспорт фаолиятини амалга ошираётган ва (ёки) уни бошлиш истагидаги барча тадбиркорлик субъектлари, шу билан бирга, якка тартибдаги тадбиркорлар учун – 100 фоиз миқдорда Компаниянинг ҳақиқий харажатлари бўйича чекланмаган миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилади;

б) тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўзи шахсан қатнашган ҳолатларда – 100 фоиз миқдорда тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, бироқ, чет элдаги меҳмонхона харажатлари Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 ноябрдаги 2730-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида” Низомда белгиланган миқдорлардан кўп бўлмаган миқдорда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги меҳмонхона харажатлари учун Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробаридан ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

8) маҳаллий маҳсулотлар (хизматлар) ва брендлар (товар белгилари) бўйича рақамли рекламани хорижий интернет жаҳон тармоғи ахборот ресурсларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, савдо майдончалари ва мобил иловаларда жойлаштириш йўналишида:

а) тўловлар Компания томонидан тузиладиган шартномаларга асосан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи тегишли ташкилотларга тўғридан-тўғри амалга ошириладиган ҳолатларда – 100 фоиз миқдорда, лекин бир тадбиркорлик субъектлари учун бир календарь йилида 20 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

б) тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилиб, реклама жойлаштирилган ҳолатларда – 100 фоиз миқдорда, лекин бир тадбиркорлик субъекти учун бир календарь йилида 20 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

9) маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш йўналишида, тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда – 100 фоиз миқдорда, лекин бир тадбиркорлик

субъекти учун бир календарь йилида жами 5000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар қоплаб берилади;

10) қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарига хориждан малакали дизайнер, технолог, маркетолог, сифат назоратчилари ва агрономларни жалб қилиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида, биттадан дизайннерлар, технологлар, маркетологлар, сифат назоратчилари ва агрономларни жалб қилиш учун тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилиб мутахассислар жалб қилинган ҳолатларда – 100 фоиз миқдорда, бироқ бир ойда битта мутахассис (дизайнерлар, технологлар, маркетологлар, сифат назоратчилари ва агрономлар) учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 25 баробаридан кўп бўлмаган қисми қоплаб берилади;

11) тадбиркорлик субъектларига нуфузли халқаро брендларни (товар белгиларини) жалб қилишга, шунингдек, уларнинг нуфузли халқаро брендлар эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида, бир календарь йилида 2 та брендларни жалб қилиш учун тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда – 100 фоиз миқдорда, бироқ бир тадбиркорлик субъекти учун бир календарь йилида жами 30 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, бироқ, чет элдаги меҳмонхона харажатлари Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 ноябрдаги 2730-сон билан рўйхатдан ўtkazilgan “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида” Низомда белгиланган миқдорлардан кўп бўлмаган миқдорда ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудидаги меҳмонхона харажатлари учун Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробаридан ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

12) мутахассисларни ўқитиш харажатларини қоплаб бериш йўналишида, бир календарь йилида 5 маротоба мутахассисларни ўқитиш учун тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда – 100 фоиз миқдорда тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар, бироқ, чет элдаги меҳмонхона харажатлари Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 ноябрдаги 2730-сон билан рўйхатдан ўtkazilgan “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисида” Низомда белгиланган миқдорлардан кўп бўлмаган

миқдорда ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги меҳмонхона харажатлари учун Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробаридан ошмаган миқдорда қоплаб берилади.

Бунда, ушбу бандда назарда тутилган йўналишлар (савдо уйларини очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларни қоплаб бериш йўналиши бундан мустасно) бўйича тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилиб харажатлар амалга оширилган ҳолатларда молиявий ёрдам миқдорларидан келиб чишиб:

“AAA” тоифа – амалдаги миқдорнинг 100 фоизи;

“AA” тоифа – амалдаги миқдорнинг 90 фоизи;

“A” тоифа – амалдаги миқдорнинг 80 фоизи;

“BBB” тоифа – амалдаги миқдорнинг 70 фоизи;

“BB” тоифа – амалдаги миқдорнинг 60 фоизи;

“B” тоифа – амалдаги миқдорнинг 50 фоизи;

рўйхатдан ўтганига олти ой бўлмаган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон Фармонига мувофиқ 4 ва 5-тоифадаги туманларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорларга уларнинг рейтинг даражасидан қатъи назар амалдаги миқдорларда молиявий ёрдам тақдим этилади.

21. Ушбу Низомнинг 20-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилиб харажатлар амалга оширилган ҳолатларда:

товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларга тўловлар тўлиқ амалга оширилганда;

товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар хизматларидан фойдаланган кундан бошлаб 12 ой ичидаги корхоналар томонидан сарфланган харажатларнинг камида 5 баравари миқдорида маҳсулот реализация қилингандан (шундан камида 4 баравари хорижий валютада) кейин Компания томонидан тадбиркорлик субъектларининг амалга оширилган харажатлари қоплаб берилади (хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш йўналишида молиявий ёрдам кўрсатилганда бренд эгаси томонидан бренддан фойдаланиш ҳуқуки берилган корхоналарнинг маҳсулот реализацияси ҳам инобатга олиниши мумкин).

Бунда хорижий валютадаги харажатлар бўйича кўрсатиладиган молиявий ёрдам миқдори ҳамда реализация миқдорини аниқлашда тадбиркорлик субъектлари

томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларнинг хизматидан фойдаланган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланиб тўлаб берилади.

6-боб. Молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш тартиби

22. Қуйидагилар молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади:

аввал фойдаланилган молиявий ёрдам йўналиши бўйича тузилган шартнома шартлари тадбиркорлик субъекти томонидан бузилган бўлса, ажратилган молиявий ёрдамнинг ушбу Низомнинг шартларига мувофиқ тегишли қисми қайтарилимаган бўлиши;

тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур Низомга мувофиқ белгиланган хужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

тадбиркорлик субъектлари томонидан сўралаётган молиявий ёрдамнинг мазкур Низомда белгиланган тартиб ва талабларга номувофиқлиги;

ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги (тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги миқдори сўнгги 365 кундаги экспорт ҳажмининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган ва дебитор қарздорликни ундириш бўйича суд қарори мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно);

тадбиркорлик субъектлари тақдим этган хужжатларда ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

23. Бошқа сабабларга кўра молиявий ёрдам кўрсатишни рад этишга йўл кўйилмайди.

24. Рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, Компания бир иш куни давомида экспорт қилувчи ташкилотларга Компаниянинг мансабдор шахслари томонидан имзоланган рад этиш сабаблари кўрсатилган билдиришнома юборади.

25. Тадбиркорлик субъекти молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этиб, белгиланган муддатда ушбу Низомда назарда тутилган хужжатларни, шу жумладан, рад этишнинг илгари кўрсатилган сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатларни қайта кўриб чикиш учун Компанияга топшириш хуқуқига эга.

26. Тадбиркорлик субъекти белгиланган муддатда молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, Компания томонидан хужжатлар рад этилган сабабларни бартараф этиш учун ариза олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

27. Аризани қайта кўриб чиқишида Компания томонидан рад этишнинг илгари ёзма равишда айтилмаган сабабларини кўрсатишга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлик рад этиш сабаблари бундан мустасно.

28. Белгиланган муддатдан кейин берилган хужжатлар янги топширилган деб ҳисобланади ва умумий асосларда кўриб чиқилади.

29. Тадбиркорлик субъектлари молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек, Компаниянинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эга.

7-боб. Молиявий ёрдам бўйича тўловни амалга ошириш тартиби

30. Тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган молиявий ёрдам Савдога кўмаклашиш жамғармасида молиявий ёрдам йўналишлари бўйича ажратилиши назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

31. Ўзбекистон Республикаси худудида харажатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ молиялаштирилади.

32. Хориждаги шартномалар бўйича харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида” 2020 йил 23 майдаги 329-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

33. Ушбу Низом қоидаларини бузган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

34. Компаниянинг Кузатув кенгashi тадбиркорлик субъектларига ушбу Низомга мувофиқ молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича Компания фаолиятининг самарадорлигини мониторинг қиласи.

Тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам
күрсатиш тартиби түғрисидаги низомга
1-илова

Тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам күрсатиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Масъул ижрочилар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|------------------|---------------------------------------|---|---|
| 1-босқич | Тадбиркорлик субъекти | Тегишли хужжатларни тайёрлайды ва электрон шаклда тақдим этади. | Ихтиёрига күра |
| 2-босқич | “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ | Аризаларни күриб чиқиш ва молиявий ёрдам күрсатиш ёки рад этиш түғрисида қарор қабул қилиш. | Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 7 иш куни мобайнода |
| 3-босқич | “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ | Тадбиркорлик субъектларига қабул қилинган қарор түғрисида билдиришнома юборади; молиявий ёрдам күрсатиш белгиланган аризалар бүйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартнома тузиш тадбирларини (тендер, конкурс ва бошқалар) амалга оширади. | Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнода Конун хужжатларыда белгиланган тартибда ва муддатларда |
| 4-босқич | “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ | Молиявий ёрдам күрсатиш бүйича тұловларни амалга оширади: а) “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан белгиланган тартибда тузилған шартномалар бүйича; б) амалга оширилған харажатлар бүйича. | Шартномада белгиланган муддатда Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнода |
| 5-босқич | “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ | “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ билан тадбиркорлик субъекти ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи ўртасида тузилған шартнома ижросини мониторинг қиласы. | Доимий равища |

Тадбиркорлик субъектларига мөлиявий ёрдам
күрсатыш тартиби түгрисидаги низомга
2-илова

**Савдо уйлари учун офис, савдо ва омбор биноларини ижара олиш харажатлари бүйича
“Савдони ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамиятин томонидан түлаб берилладиган
бир ойлик катыйи миңдорлар**

| Харажат номи | Күнни давлаттар | Россия Федерацияси | Кавказ давлатлари (Озарбайжон, Арманистон, Грузия), Беларусия, Украина, Молдова ва Туркия | 1 м ² учун АКШ долларыда | | |
|---|-----------------|--------------------|--|-------------------------------------|----------------|-----------------|
| | | | | Осиё китъаси | Европа китъаси | Америка китъаси |
| Офис, савдо ва омбор биноларини ижара олиш харажатлари* | 6 | 20 | 8 | 8 | 26 | 31 |

Изох. Инвестицияларни жалб қилиши, саноатни ривожлантириши ва савдоны тартибда солони масалалары бүйича Ҳукумат комиссияси зарур ҳолларда мазкур рүйхамта ҳамда белгиләнгән қатъий миңдорларга ўзгартириши ва қўшимчалар киритишни мумкин.

Тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам
күрсатиш тартиби тұғрисидаги низомга
3-илова

**“Савдони ривожлантириш компаниясы” акциядорлик жамияти томонидан
күргазма майдонини ижарага олиш харажатлари бүйича тұлаб бериладиган
қатыый миқдорлар**

| T/p | Тармоқлар* | Күргазма майдони (м ²) (бітта күргазма доирасыда) |
|-----|---|--|
| 1. | Тұқимачилик, тикув-трикотаж ва гиламчилик саноати корхоналарига | 9 |
| 2. | Қишлоқ хұжалиги корхоналарига | 9 |
| 3. | Озиқ-овқат саноати корхоналарига | 9 |
| 4. | Хунармандчilik субъектларига | 9 |
| 5. | Мебель ва ёғочсөзлик саноати корхоналарига | 20 |
| 6. | Чарм-пойабзал ва мүйнәчилик саноати корхоналарига | 9 |
| 7. | Электротехника саноати корхоналарига | 16 |
| 8. | ЁF-мой саноати корхоналарига | 9 |
| 9. | Курилиш материаллари саноати корхоналарига | 16 |
| 10. | Заргарлик саноати корхоналарига | 9 |
| 11. | Паррандачилик саноати корхоналарига | 9 |
| 12. | Балиқчilik саноати корхоналарига | 9 |
| 13. | Гулчилик саноати корхоналарига | 9 |
| 14. | Асаларичилик саноати корхоналарига | 9 |
| 15. | Ипакчилик саноати корхоналарига | 9 |
| 16. | Фармацевтика саноат корхоналарига* | 9 |
| 17. | Туризм корхоналарига* | 6 |
| 18. | Автомобилсаноат корхоналарга* | 20 |
| 19. | Кимёсаноат корхоналарга* | 9 |

| | | |
|-----|--|---|
| 20. | Маҳаллий ва бошқа саноат корхоналарига | 9 |
|-----|--|---|

Изоҳ. Инвестицияларни жсалб қилиши, саноатни ривожлантириши ва савдони тартибга солиши масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси зарур ҳолларда мазкур рўйхатга ҳамда белгиланган қатъий миқдорларга ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши мумкин.

* Бунда, давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳамда улар томонидан ташкил этилган корхоналарга кўргазма майдонини ижарага олиши харажатлари қоплаб берилмайди.